

## «Йил имоми - 2024» танлови бошланди



11:06 / 13.11.2024 1768

Айни пайтда Республикамиздаги масжидларда фаолият юритаётган имомлар ўртасида «Йил имоми - 2024» кўрик-танловининг якуний босқичи бошланди.

Унда мазкур мусобақанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида ёлибликни қўлга киритган имом-домлалар ўзаро беллашмоқда.

Нуфузли кўрик-танлов иштирокчиларининг чиқишларини таниқли уламо ва тажрибали устозлардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан адолат мезонлари асосида муносиб баҳолаб борилмоқда.

*Танлов тафсилотларини сайт ва ижтимоий тармоқларимизда кузатиб боринг.*